



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 7 » декабрь

№ 772

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-
маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-
қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги
даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил
18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-
маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-
қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага
олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон
Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага
мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул
қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга
мувофиқлаштиради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “7” декабрдаги 772 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштиришга юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандидаги “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (махалла қўмитаси) вакилидан” сўзлари “масжид имом хатиби” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари 21-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 21 сентябрдаги 266-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 79-модда) 8-банди учинчи хатбошидаги “ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳолиси ва бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулотлари етказиб бериш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 30 декабрдаги 422-сон қарорининг 5-банди олтинчи хатбошидаги “фуқаролар йиғинлари раислари ички ишлар органлари ва давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда” сўзлари “ички ишлар органлари ва давлат солиқ инспекциялари” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 96-модда) билан тасдиқланган “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14¹-банднинг иккинчи хатбошидаги “профилактика инспектори” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги “Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси вакиллари” сўзлари “фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, фуқаролар йиғини раисининг Кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси” сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 37-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ва ички ишлар органларининг профилактика инспектори” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 7-сон, 623-модда) билан тасдиқланган Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

а) биринчи хатбошидаги “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) бешинчи хатбошидаги “ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 681-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 8-сон, 190-модда) билан тасдиқланган “Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум” МЧЖ томонидан заём бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-бандидаги “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходими иштирокида” сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги “профилактика инспектори” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 11-банднинг биринчи хатбошидаги “ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ маълумот тақдим этади” сўзлари “маълумотларни умумлаштириб, маҳалла паспортига киритади ва ҳар олти ойда ушбу маълумотларни янгилаб боради” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий техник кўрикка тақдим этилмаган автотототранспорт воситаларининг ҳисобини юритиш, уларнинг ҳолатини аниқлаш, шунингдек, фойдаланишга яроқсиз, утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди тўртинчи хатбошисидаги “Профилактика инспектори гуруҳ раҳбари ҳисобланади” сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 7-сон, 149-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриклаш хизмати ҳақидаги низомнинг 44-бандидаги “ва ҳудудий профилактика” сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги 228-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 20120 й., 4-сон, 85-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

Вазирликнинг эксперт-таҳлил гуруҳи фаолиятини ташкил этиш, эксперт-таҳлил гуруҳ таркибига киритилган мутахассисларга шартнома асосида ҳақ тўлаш, маҳаллий ва хорижий илмий муассасалар, олим ва мутахассисларни, илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида жалб қилиш;

Вазирликнинг аҳоли муаммоларининг масофадан тезкор қабул қилишнинг ва кўриб чиқилишини мувофиқлаштириб борувчи Call-маркази ходимлари меҳнатига шартнома асосида ҳақ тўлаш”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 14 августдаги 485-сон қарорида:

а) 3-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“йил якуни натижалари бўйича “намунали” деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларга республика ҳудудидаги санаторийлардан бирида соғлиғини тиклаш учун бир маротабалик бепул йўлланма бериш амалиёти сақлаб қолинади ҳамда тегишли талабларга жавоб берувчи фуқаролар йиғинлари ходимлари рағбатлантириш тариқасида давлат органлари ва ташкилотларига қадирлар захирасига киритиш бўйича тавсия этилади”;

б) иловага қуйидаги таҳрирдаги 23¹-банд қўшилсин:

“23¹. “Намунали” деб топилган ва тегишли талабларга жавоб берувчи фуқаролар йиғинлари ходимларини йил якуни натижалари бўйича рағбатлантириш тариқасида улар белгиланган тартибга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларига кадрлар захирасига киритиш бўйича тавсия этилиши мумкин”.

